

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Муҳандис техника факультети

**5620700-«Ер тузиш ва ер кадастри» бакалавриатура таълим йўналиши
“Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси**

**“Тасдиқлайман”
“ГК ва К” Каф. мудири
_____ Ғ.Алиқулов
«_____» _____ 2014 й.**

**“Қасби тумани Мирзо Улуғбек номли массиви Ўникки қишлоғи ҳудудидан қасб-
хунара коллежи қуруш учун ер ажратиш лойиҳаси” мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БМИни бажарувчи:

БМИ раҳбари

Маслаҳатчи

Жўраев А.Р.

Ғофиров М.Ж.

Бозоров М.М

Қарши 2014

МУНДАРИЖА

T/p	Битирув малакавий иши бўлимлари номи	варақлар
1	Битирув малакавий иши бўйича топшириқ	
2	Битирув малакавий иши дастури	
3	Кириш	
4	1-БОБ Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи	
5	2-БОБ Касби тумани Мирзо Улуғбек номли массиви Ўникки кишлоғи ҳудудидан касб-хунар коллежи қуруш учун ер ажратиш лойиҳаси	
6	3-БОБ. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш	
7	Хулоса	
8	Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати	
9	Иловалар	

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Муҳандис техника факультети “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси
“Ер тузиш ва ер кадастри” йўналиши

“Тасдиқлайман”

“ГК ва К” Каф. мудири

Ғ.Алиқулов

«___» _____ 2014 й.

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Жўраев Акбаржон Рахмонқулович.

1. Битирув ишининг мавзуси: Касби тумани Мирзо Улуғбек номли массиви Ўникки қишлоғи ҳудудидан касб-хунар коллежи қуруш учун ер ажратиш лойиҳаси «___» _____ 2014 йил _____ сонли кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати: 2014 йил

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар: Ишлаб чиқариш амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар. Ер билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари.

4. Ҳисоблаш - тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати): 1. Кириш. 2. Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари. 3. Массив ҳудудидан касб-хунар коллежи қуруш учун ер ажратиш лойиҳаси. 4. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш. 5. Хулоса. 6. Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади):

1.Массивнинг ер турлари тархи. 2.Тупроқ харитаси. 3.Ер ажратиш лойиҳаси. 4.Иқтисодий жадвали.

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар.

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчилар ф.и.ш	Имзо, сана	
1				
2				

7. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ БАЖАРИШ РЕЖАСИ.

Т.р	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати			Текширув-дан ўтганлик муддати
		сана	куни	%	
1	БМИ иши учун торшириқ олиш				
2	БМИ учун дастур тузиш				
3	БМИнинг I боби: Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифини ёзиш				
4	БМИ нинг кириш қисмини тайёрлаш				
5	Массивнинг ер турлари жойлашиш тарҳини чизиш				
6	БМИ нинг II боби: Касби тумани Мирзо Улуғбек номли массиви Ўникки қишлоғи ҳудудидан касб-ҳунар коллежи қуруш учун ер ажратиш лойиҳаси қисмини ёзиш				
7	Касби тумани Мирзо Улуғбек номли массиви Ўникки қишлоғи ҳудудидан касб-ҳунар коллежи қуруш учун ер ажратиш лойиҳаси (1 ва 2– ечим) чизмасини чизиш				
8	БМИ нинг III боби: Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш қисмини ёзиш				
9	Лойиҳанинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари жадвалини тайёрлаш				
10	БМИнинг хулоса қисмини тайёрлаш				
11	БМИнинг фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатини тайёрлаш				
12	БМИ ни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш				

Битирув иши раҳбари:

Гофиров Музаффар Жумаевич

Топшириқни бажаришга олдим:

Жўраев Акбаржон Рахмонқулович.

Топшириқ берилган вақти

« ____ » _____ 2014 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

МУҲАНДИС ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

5620700–« Ер тузиш ва ер кадастри » бакалавриатура таълим йўналиши

“Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси

«Тасдиқлайман»

кафедра мудири

_____Ғ.Н.Алиқув

“ _____ ” _____ 2014йил

Касби тумани Мирзо Улуғбек номли массиви Ўникки қишлоғи ҳудудидан касб-ҳунар
коллежи қуруш учун ер ажратиш лойиҳаси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Д А С Т У Р И

БМИни бажарувчи:

Жўраев Акбаржон Рахмонқулович

Раҳбар:

Ғофиров Музаффар Жумаевич

Қарши–2014 й

Кириш

1. Республикамизда ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишда ер тузишнинг роли.
3. БМИнинг мақсади, унга қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар.

I боб. Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи.

- 1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар.
- 1.2. Табиий шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари)
- 1.3. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.
- 1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.
- 1.5. Ердан фойдаланиш тавсифи.
- 1.6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий кўрсаткичлари.

II боб. Касби тумани Мирзо Улуғбек номли массиви Ўникки қишлоғи ҳудудидан касб-ҳунар коллежи қуруш учун ер ажратиш лойиҳаси.

- 2.1. Касб-ҳунар коллежи жойлашадиган ўрнини ва тахминий майдонини аниқлаш ва асослаш.
- 2.2. Касб-ҳунар коллежига ер ажратиш ва уни ҳудудда жойлаштириш.
- 2.3. Касб-ҳунар коллежига ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш.
- 2.4. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари.

III боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш.

- 3.1. Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш.
- 3.2. Ер ажратиш натижасида ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарарлар миқдорини аниқлаш.
- 3.3. Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.
- 3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

Иловалар

Кириш
Республикамизда ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил
қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Республикамизда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларинини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури 2012-йилда ҳам ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналиши бўлиб қолади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган 5 та тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан йилга ўзини оқлаб, тўғри ва аниқ эканлигини исботламоқда.

Энг муҳим устивор вазифа қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз, қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бири бири билан боғлиқ чора тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб қувватлашдан иборат.

Қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун моҳиятини ўзгартиришга, аграсаноат мажмуасида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга, охир оқибатда қишлоқ аҳолисининг, ижтимоий сиёсий ва маданий савиясини, онгли ва фуқоролик маъсулиятини оширишга қаратилган давлат дастурини 2014 йилда ҳам амалга ошириш муҳим вазифадир.

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишда ер
тузишнинг роли.

Ер тузиш давлатимизнинг ер тўғрисидаги қонунларини ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, у ер ва ер билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларидан меҳнат ресурсларидан тўла, оқилона ва са-марали фойдаланишга, ерни ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс ҳисобланади. Ерда саноат корхоналари, энергетика объектлари, автомобил ва темир йўллари, электр узатиш ва алоқа тармоқлари, қувур ўтказгичлар, аҳоли яшаш жойлари, мудофаа, маданият, соғлиқни сақлаш объектлари қурилади. Шунинг учун, ҳар доим у ёки бу ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига, муассасаларига ер участкаларини ажратиш зарурати келиб чиқаверади. Бунда бутун халқ хўжалиги бўйича оптимал натижаларга эришишга ҳаракат қилиш керак.

Мўлжалланган мақсадлари ҳар хил ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этишда, одатда, ерларни тоифалар ва халқ хўжалиги тармоқлари орасида қайта тақсимлаш, айрим вазиятларда эса маҳсулдор ерларнинг сарфланиши кузатилади.

Ўзбекистоннинг ер қонунчилиги жуда қимматбаҳо (суғориладиган) ва унумдор ерларнинг қишлоқ хўжалигидан олинишига йўл қўймайди. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун яроқли ерлар энг аввало қишлоқ хўжалигига ажратилади.

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этиш ер тузиш ишларининг қуйидаги тартибини тақазо этади:

- тайёргарлик ишлари;
- ваколатли орган томонидан ер участкасини бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши ва лойиҳавий ҳужжатларнинг тасдиқланиши;
- ер участкасини жойда ажратиш;
- ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатни ва ер тузиш материалларини бериш.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналари ҳар хилдир. Уларга саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва маданий, илмий, соғлиқни сақлаш, дам олиш, сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва ҳар хил иншоотлар киради. Уларга ер майдонлари доимий ёки вақтинча фойдаланишга берилади. Уларнинг ерлари майдонлари ва жойлашиши бўйича ҳар хил бўлади. Майдони ва жойлашган ўрни ўзгариб турувчи ёки ўзгармайдиган, шакли ихчам ёки узун ер полосаларидан иборат бўлиши мумкин. Улар атроф муҳитга ҳар хил таъсир (ер ости сувларининг ер юзасига кўтарилиши, ерларнинг қуриб кетиши, ифлосланиши) қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Бу таъсир, уларга ер ажратиш лойиҳаларини тузиш вақтида ҳисобга олиниши керак.

БМЙнинг мақсади, унга қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар.

Битирув малакавий ишининг мақсади касб-ҳунар коллежи қурилишига қурилиши учун ер ажратишдир. Бу хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси ҳисобланади. Бунда касб ҳунар коллежи қурилишига ер ажратиш жараёнида қишлоқ хўжалик корхонаси кўрадиган зарар ҳажми минимал бўлишига эътибор бериш керак.

Битирув малакавий ишига қўйилган вазифаларни бажариш учун хўжалик тўғрисида қуйидаги материаллар асос бўлиб хизмат қилади.

1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар;
2. Массивнинг ер турлари тархи;
3. Контурлар бўйича майдон ҳисоблаш кайдномаси;
4. Ер ажратиш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар.

I боб. Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи.

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

“М.Улуғбек” номли массив Касби туманининг шимолий қисмида жойлашган. Массив шимолдан Комилон массиви ва Қарши тумани ерлари билан, жанубдан Ғалаба массиви ерлари билан, ғарбдан Талишбе ва Т.Малик номли массив ерлари билан, шарқдан Қарши тумани ерлари билан чегарадош. Массивнинг умумий майдони 3036,9 га ни ташкил этади. Массивнинг асосий йўналиши гўшт ва сутчилик бўлиб лекин массивдаги фермер хўжалиklarининг асосий қисми деҳқончиликка ихтисослашган. Асосий экин майдонини пахта ва дон ташкил этади ва экинлар таркибида пахта энг юқори ўрин тутди. Қўшимча равишда ем-хашак экинлари етиштириш шунингдек, боғдорчилик, узумчиликни ривожлантириш кўзда тутилган. Чорвачиликда эса қорамолчиликни ривожлантириш йўлга қўйилган. Массив вилоят маркази ва туман марказлари ҳамда маҳсулот қабул қилиш пунктлари билан асфальтланган йўллар билан боғланган. Массивдан туман марказигача масофа 7 километрни ташкил этади. Шу билан бир қаторда массивнинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини белгилаш, уларни аниқлаш учун биринчи навбатда ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларини ҳар жиҳатдан чуқур билиш, лойиҳада қабул қилинадиган ечимларни ҳар томнлама асослашда катта аҳамиятга эга.

1.2. Табиий шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари)

Иқлими тавсифи. Иқлим шароитлари бўйича массив ҳудуди ярим чўл зонасига киради. Иқлимнинг алоҳида кўрсаткичлари ёғингарчилик миқдорининг камлиги, ёздаги ҳароратнинг юқори бўлиши, қиш ойларида ҳароратнинг пасайиши, ҳавонинг қуруқлиги ва буғланишнинг юқорилигидир.

Январда ўртача ойлик ҳарорат 1,3 градусни ташкил этади.

Ҳавонинг энг совуқ ҳарорати -23-25 градус. Совуқ бўлмаган вақт 230-250 кундир. Ёз ойи жазирама. Июлда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 25,1 градусдир. Ҳавонинг энг иссиқ ҳарорати 44 -46 градусни ташкил этади. Вегетация даврида чангли бўрон, гармсил бўлади. Йиллик ёғингарчилик 180-200 ммни ташкил этади.

Қуйидаги 1 жадвалда иқлимнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган

1- жадвал

Касби метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича ҳарорат

Ҳарорат	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XI	Йил
Ўртача	1,3	5,0	10,5	16,7	22,9	26,8	29,0	27,3	21,4	15,4	9,8	5,2	15,9

Юқори	20	25	32	34	44	45	46	43	41	37	30	26	46
Паст	-25	-17	-14	-2	4	10	13	12	2	-7	-14	-20	-25

2-жадвал

Касби метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича ёғингарчилик
миқдори, мм

Метеостан- ция номи	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Касби	26	27	36	21	14	1	0	0	0	4	11	24	164

3-жадвал

Касби метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича шамолнинг
тезлиги

Метеостан-ция номи	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Касби	0,4	1,3	1,7	1,1	0,9	0,9	0,1	0,04	0	0,2	0,3	0,3	7

Рельефи тавсифи. Массивнинг рельефи асосан текисликдан иборат бўлиб, шарқдан ғарбга қараб кучсиз тўлқинсимон қияликдан иборат. Узоқ муддатли суғориш ва агротехника натижасида рельеф ўзининг антропоген кўринишини олган.

Массив қуйидаги геоморфологик ажратмада жойлашаган: аллювиал-ётқизиклардан ташкил топган Қашқадарё дарёсининг қуйи ёйилмаси. Рельефи бўйича текислик ва кам нишабли паст-баландликдир. Механик таркиби бўйича енгил, ўрта ва оғир кумоқлардан иборат. Грунтлари кам, баъзан ўрта шўрланган.

Ер ости сувлари. Массив ҳудудида каналлар, суғориш тармоқлари ва зовурлар бор. Тупроқ текшириш ишлари олиб борилганда сизот сувларининг чуқурлиги 2-2,5 м ташкил этган.

Йил мобайнида сизот сувларининг чуқурлиги ўзгариб туради. Сизот сувлари юқорига кўтариладиган вақт - бу вегетацион суғориш давридир, яъни баҳор - ёз ойларида. Сизот сувларини асосан суғориш тармоқлари орқали филтрланган сувлар тўлдириб туради. Хўжаликда сизот сувларининг сатҳи зовурлар орқали пасайтириб турилади.

Тупроғи тавсифи. Хўжалик тупроқлари эскидан суғориладиган ўтлоки бўз тупроқлар ва янгидан суғориладиган ўтлоки аллювиал тупроқлардан иборат.

Сифати бўйича яхши тупроқларга янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган,

сифати ўртадан паст бўлган тупроқлага кам маданийлашган тупроқлар киради. Массивнинг ўртача балл бонитети 55 баллни ташкил этади.

1.3.Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи

. М.Улуғбек номли массивининг далалари суғориш тармоқлари билан яхши таъминланган. Асосий суғориш тармоғи Қарши бош канали ҳисобланади. Суғориладиган минтакаларда ирригация ва мелиорация шаҳобчалари туғрисидаги тўла маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Суғориш тармоқлари ва зовурлар 253,8 га ни ташкил этади. Массивдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки, бу каналлар ердан қазилган, инженерлик тармоқлари билан таъминланган. Каналларнинг ерда қазилганлиги вегетация даврида ортиқча, кўп миқдорда сув исроф бўлишига олиб келади. Массивдаги суғориш тармоқларининг ўртача фойдали иш коэффициенти 0,65 – 0,7 ни ташкил қилади. Умумий тақсимланган сувнинг 30 – 35 % ер остига сингади. Хўжаликнинг баъзи участкаларида мавжуд бўлган майда – майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар сатҳининг кичиклиги, далалар тузилишининг нотўғрилиги сувнинг кўп миқдорда сарф бўлишига сабаб бўлмоқда. Ер ости сувларини йиғгич – мелиоратив тармоқлар, яъни захкашлардир. Далачилик ривожланишининг асоси захкашдир. Захкашлар хўжалик ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилаб туришда рол ўйнайди.

Тупроқ экспликацияси

Тупроқ номи	Тупроқ айирмаларининг тартиб рақами	Чиринди қатлам қалинлиги, см	Шўрланиш даражаси	Механик таркиби		Сизот сувлари чуқурлиги	Банитет балли	Майдони, га
				0-30 см	100-200 см			
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Эскидан								
								2062,3

Ўртача ҳисобланган балл 52 балл.

1.4.Аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Массивнинг умумий оилалар сони 1086 тани ташкил қилади. Аҳоли-нинг асосий қисми Ўникки қишлоғида истиқомат қилади. Массивда 4 та қишлоқ бўлиб, марказий қишлоқ Ўникки, ёрдамчи қишлоқлар Човқай, Уйрат ва Байдоқчи қишлоқларидир. Бу қишлоқлар бир – бирлари билан яхши йўл алоқасига эга. Қишлоқлардаги аҳоли сони ҳамда қишлоқларнинг ободонлаштирилганлик даражаси қуйидаги жадвалда келтирилган

5-жадвал

Массивдаги аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Қишлоқлар номи	Оила-лар сони	Аҳоли сони		Маданий маиший бино ва иншоотлар	Ободон-лаштириш	Бажара-диган вазифаси
		ҳам-маси	меҳнат-га яроқ-ли			
Ўникки	513	2308	1179	Ўйингоҳ, болалар боғчаси, мактаб, дўкон, дорихона, идора, кулуб, касалхона	электр-лашган, газлаш-ган	Марказий қишлоқ
Човқай	246	1107	565	мактаб, дўкон, болалар боғчаси	электр-лашган, газлаш-ган	ёрдамчи қишлоқ
Уйрат	96	432	220	дўкон, омборхона	электр-лашган, газлаш-ган	ёрдамчи қишлоқ
Байдоқчи	231	1040	531	мактаб, дўкон, болалар боғчаси, ҚВП	электр-лашган, газлаш-ган	ёрдамчи қишлоқ
Жами	1086	4887	2495			

1.5. Ердан фойдаланиш тавсифи.

2014 йил 1 январ ҳолатига нисбатан Давлат далалатномасига мувофиқ М.Улуғбек номли массиви чегарасидаги жами ерлар майдони 3036,9 га ни ташкил қилиб массивга 2879,9 га ер майдони бириктирилган. Массив ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 6- жадвалда келтирилган.

М.Улуғбек массивининг ер фонди

Т/р	Ер турлари	Майдони		
		Гектар	Умумий майдонга нисбатан, % ҳисобида	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан, % ҳисобида
1.	Ҳайдалма ерлар: Суғориладиган	1890,3	65,6	91,7
2.	Дарахтзорлар: Шу жумлдан: Боғлар Узумзор Тутзорлар Терак	146,9 79,3 1,1 63 3,5	 2,75 0,04 2,18 0,12	 3,84 0,05 3,05 0,16
3.	Ўтлоқ ва яйловлар	13,5	0,46	0,65
4.	Бўз ерлар	11,6	0,4	0,55
	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	2062,3	71,55	100
5.	Томорка ерлари	457,6	15,9	
6.	Далаларни ҳимояловчи ихота дарахтлари	1,3	0,04	
7.	Дарё ва сойликлар	28,5	0,99	
8.	Ариқ ва завурлар	105,04	3,77	
9.	Йўллар	40,26	1,43	
10.	Қурилиш, кўчалар, саройлар ва майдонлар	124,8	4,32	
11.	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	60,1	2,0	
	Жами массивга бириктирилган ерлар	2879,9	100	
	Ўзга ердан фойдаланувчилар	157		
	Жами массив чегарасидаги ерлар	3036,9		

Юқоридаги жадвалдан кўринадикки массив умумий майдонининг 65,6 % ни ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Дарахтзорлар майдони 146,9 га, бу эса умумий майдоннинг 5,09% ни ташкил этади. Ер майдонининг таҳлили шуни кўрсатадики, Массив ҳудудида 13,5 га ўтлоқ ва яйловлар мавжуд бўлиб, бу ерларнинг бир қисмини келажакда қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ўзлаштириш мумкин. Булар фойдаланиладиган ер майдонларини кенгайтиришнинг ички имкониятлари ҳисобланади. Массивдаги фермер хўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва ем – хашак бўйича ихтисослашган.

Қишлоқ хўжалик ерлари 2062,3 гектар бўлиб умумий ер майдонининг 71,55 % ташкил қилади. Массив ҳудудида 157 га бегона ердан фойдаланувчилар мавжуд.

Бегона ердан фойдаланувчилар ер фонди.

т/р	Бегона ердан фойдаланувчилар номи	Майдони, га	%
1	Майманок канали	26,47	16,9
2	ЮК6 коллектори	22,6	14,5
3	Бешкент-Муғлон-Косон йўли	7,33	4,6
4	Жар дарёси	48,32	30,8
5	ЮК7 коллектори	20,33	12,9
6	ЮК8 коллектори	31,04	19,7
7	ЛЭП	0,91	0,6
	Жами	157	100

Дехқончилик тавсифи

Массив ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш шуни кўрсатадики, асосий чорвачилик ва деҳқончилик тармоғи ҳисобланади. Бошқа массивлардаги сингари бу массивда ҳам донли экинларни экиш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда, бундан ташқари кейинги йилларда массивда сабзавотчиликни ҳам ривожлантириш устида қатор ишлар олиб борилмоқда. Деҳқончиликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган экин майдонлари қуйидаги 8-жадвалда келтирилган.

Қишлоқ хўжалик экинлари таркиби.

т/р	Экинлар тури	Экин майдонлари	
		га	% ҳисобида
1.	Пахта	1090,6	57,69
2	Буғдой	744,9	39,41
3.	Беда:	32,9	1,74
	шу жумладан: биринчи йил экилган	11,6	0,61
	ўтган йилларда экилган	21,3	1,13
4.	Сабзавот	21,9	1,26
	Жами экин майдони	1890,3	100

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики асосий ҳайдалма ерлар пахта билан банд бўлиб, умумий экин майдонларининг 57,69 % ташкил қилади. Дон майдонлари

ҳам умумий экинларнинг 744,9 гектарини, яъни 39,41% ташкил этади. Шунинг эътирофи этиш керакки, ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда экин майдонларининг миқдори билан бирга етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги жадвалда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

9- жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Т/р	Экинлар тури	Ҳосилдорлиги, ц	Ялпи маҳсулот ҳажми, ц	Товар маҳсулот ҳажми, т
1	2	3	4	5
1.	Пахта	22,1	24102	2410,2
2.	Бугдой: шу жумладан:			
	дони	29,2	21751	2175,1
	сомони	19,2	14302	1430,2
3.	Беда: шу жумладан:			
	Биринчи йил экилган	50	580	58
	Ўтган йилларда экилган	100	2130	213
4.	Сабзавот	160	3504	350,4
	Жами		62865	6286,5

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, массивдаги экинлар таркиби ва ҳосилдорлиги бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Массивда 2013 йил 1 январгача 2495 меҳнатга қобилиятли киши мавжуд бўлган. Шундан 599 киши тўғридан-тўғри қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашган. 1896 киши эса бошқа ишлар билан банд бўлган. Массивда жами фойдаланиладиган ер майдони 2062,3 гектарни ташкил этади ёки ҳар бир меҳнатга қобилиятли одамга 0,82 га фойдаланиладиган ер майдони, 0,75 га ҳайдалма ер майдони тўғри келади.

Чорвачилик тавсифи

Республикада чорвачилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунга асосан хўжаликда чорвачилик аста секинлик билан ривожланмоқда. Бу эса хўжаликнинг ўз озуқа базасига эга бўлишини кўзда тутади.

Массивда 2 та чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бўлиб унга 149,7 га ер майдони бириктирилган бўлиб, шундан 131,4 га суғориладиган ҳайдалма ер 13,5 га ўтлоқ ва яйлов ерлар. Фермер хўжаликларида 40 бош қорамол бўлиб шундан 25 бош сигир. Массивдаги чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг самарадорлиги талаб даражасида эмас.

Бошқа қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш. Массивда ҳайдалма ерлардан ташқари 79,3 га боғ, 1,1 га узумзор, 63,0 га тутзор, 3,5 га терак ва 13,5 га яйловлар мавжуд.

Массивда боғдорчилик майдонлари ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларидан олинаётган маҳсулотлар миқдори 11- жадвалда келтирилган.

10- жадвал

Қишлоқ хўжалик ер турлари таркиби, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулоти

Т/р	Қишлоқ хўжалик ер турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот, т
1.	Боғлар	79,3	55	436,15
2.	Узумзорлар	1,1	65	7,15
3.	Тутзорлар	63,0	55	346,5
4.	Теракзор	3,5	-	-
5.	Яйловлар	13,5	-	-

Жадвалдаги маълумотларга кўра, боғ ва узумзорлардан олинаётган ҳосил республикада ўртача олинаётган ҳосилдорлик кўрсаткичидан жуда паст.

1.6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий кўрсаткичлари

Массив ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун асосан иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим.

11- жадвал

Сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати

т/р	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Ўлчов бир. баҳоси, минг сўм	Умумий баҳоси, минг сўм
1	2	3	4	5	6
1.	Пахта	Тонна	2410,2	800	1928160
2.	Буғдой	Тонна	2175,1	400	870040
3.	Пилла	Тонна	11,3	5000	56500

4.	Гўшт	Тонна	2,0	11000	22000
5.	Сут	Тонна	30	1000	30000
6.	Мева	Тонна	436,15	500	218075
7.	Узум	Тонна	7,15	500	3575
	Сабзавот	Тонна	350,4	400	140160
	Буғдой сомони	тонна	1430,2	50	71510
	Жами				3340020

Массивдаги ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш учун ишлаб чиқариш харажатлари, соф даромад ва рентабеллик даражасини аниқлаш керак бўлади.

Мавжуд бўлган ишлаб чиқариш харажатлари, хўжаликнинг соф даромади ва рентабеллик даражасини қуйидагича аниқлаймиз.

$$X = (ЯМК \times 85) : 100 = (3340020 \times 85) : 100 = 2839017 \text{ минг сўм}$$

$$СД = ЯМ - ЯМХ = 3340020 - 2839017 = 501003 \text{ минг сўм}$$

$$R = \frac{501003 \times 100}{2839017} = 17,6 \%$$

12-жадвал

Массивнинг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1.	Ялпи маҳсулот қиймати	Минг сўм	3340020
	Шу жумладан: деҳқончиликда	Минг сўм	3288020
	чорвачиликда	Минг сўм	52000
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	2839017
	Соф даромад	Минг сўм	501003
	Рентабеллик	%	17,6

12- жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, массивда рентабеллик даражаси 17,6 % ни ташкил этади.

13- жадвал

Массивда ердан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатувчи умумий кўрсаткичлар

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сони
	100 га қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобига ишлаб чиқилган.		
	Пахта	тонна	241,1

Дон	тонна	217,5
Пилла	тонна	1,2
Мева	тонна	43,6
Узум	тонна	0,7
Сабзавот	тонна	35,1
Бир кути ипак куртидан олинган пилла	кг	50

Массивда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклиф ва хулосалар.

Массивда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун асосан шўрланган ерларда мелиоратив ишларни кенг кўламда олиб бориш, нотекис экин майдонларида капитал текислаш ишларини ўтказиш ва сув билан кам таъминланган майдонларга янги суғориш тармоқларини ўтказиш зарур.

Асосий ташкилий - хўжалик тадбирларидан ҳисобланган алмашлаб экишни қатъий жорий этиш натижасида унумдорлиги кам майдонларнинг унумдорлиги ошади, ерларни шўрланиши камаяди ўсимликлар касаллик-лари йўқотилади, натижада экинлар ҳосилдорлиги ошади. Хўжалик ҳудудида мавжуд бўлган боғ майдонларини тартибга келтириш зарур.

Массивнинг табиий - иқтисодий шароити қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун қулайдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори ҳосил олишга салбий таъсир омилларидан бири бу тупроқ шўрланиши ва сув эрозиясидир. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун шўрланган ерларда шўр ювиш ишларини олиб бориш ва сизот сувлари яқин жойлашган ерларда зовурларни тозалаш ёки янгисини қазиш лозим.

II боб. Касби тумани Мирзо Улуғбек номли массиви Ўникки қишлоғи ҳудудидан касб-ҳунар коллежи қуруш учун ер ажратиш лойиҳаси.

2.1. Касб-ҳунар коллежи жойлашадиган ўрнини ва тахминий майдонини аниқлаш ва асослаш

Ерда саноат корхоналари, энергетика объектлари, автомобил ва темир йўллари, электр узатиш ва алоқа тармоқлари, қувур ўтказгичлар, аҳоли яшаш жойлари, муҳофаза, маданият, соғлиқни сақлаш объектлари қурилади. Шунинг учун, ҳар доим у ёки бу ноқилхўқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига, муассасаларига ер участкаларини ажратиш зарурати келиб чиқаверади. Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс ҳисобланади. Бунда бутун халқ хўжалиги бўйича оптимал натижаларга эришишга ҳаракат қилиш керак.

Ерлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига ижара ҳуқуқи билан берилса, бошқа тармоқ корхоналарига фақат фойдаланиш учун берилади. Шунинг учун ҳам ерларни бошқа тармоқ корхоналарига олиб беришда янги ердан фойдаланиш ҳуқуқи юзага келади. Бу ишлар билан боғлиқ ер тузиш ишларини ўтказиш жараёнида нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий ва техник масалаларни ҳам ер тузиш лойиҳасини ишлаш жараёнида ечиш талаб қилинади.

Ноқилхўқ хўжалик ердан фойдаланишларни ташкил этиш ер тузиш ишларининг қуйидаги тартибини тақазо қилади:

- тайёргарлик ишлари;
- ваколатли орган томонидан ер участкасини бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши ва лойиҳавий ҳужжатларнинг тасдиқланиши;
- ер участкасини жойда ажратиш;
- ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатни ва ер тузиш материал-ларини бериш.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналари ҳар хилдир. Уларга саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва маданий, илмий, соғлиқни сақлаш, дам олиш, сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва ҳар хил иншоотлар киради. Уларга ер майдонлари доимий ёки вақтинча фойдаланишга берилади. Уларнинг ерлари майдонлари ва жойлашиши бўйича ҳар хил бўлади. Майдони ва жойлашган ўрни ўзгариб турувчи ёки ўзгармайдиган, шакли ихчам ёки узун ер полосаларидан иборат бўлиши мумкин. Улар атроф муҳитга ҳар хил таъсир (ер ости сувларининг ер юзасига кўтарилиши, ерларнинг қуриб кетиши, ифлосланиши)

қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Бу таъсир, уларга ер ажратиш лойиҳаларини тузиш вақтида ҳисобга олиниши керак.

М.Улуғбек массиви Ўникки қишлоғи ҳудудидан касб-ҳунар коллежи қурилишига ер ажратиш режалаштирилган бўлиб қурилиш учун ажратиладиган ер барча талабларга тўлиқ жавоб бериши керак. Ер ажратиш лойиҳаси 3 босқичдан иборат бўлиб биринчи босқичда касб ҳунар коллежининг жойлашадиган ўрни ва унинг тахминий майдони олдиндан келишилади. Унда касб ҳунар коллежлари қурилиши учун қурилиш меъёрларидан фойдаланилади. Унга кўра 1 ўқувчига 90 м² ер майдони ажратиш кераклиги ҳисобга олинади. Иккинчи босқич ер ажратиш босқичидир. Учунчи босқич ер майдони ажратишни расмийлаштиришдан иборат.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналарига ер ажратганда ердан фойдаланишдаги қишлоқ хўжалигининг устиворлиги тамойилига қаттиқ риоя қилиш керак:

- қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилиши керак;

- бошқа корхоналарга қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз ёки сифати паст ерлар ажратилади;

- бошқа корхоналар қишлоқ хўжалиги корхоналари ерларида иложи бўлмагандагина жойлаштирилади;

- суғориладиган ҳайдалма ерларни, боғлар ва узумзорларни бошқа корхоналар учун қишлоқ хўжалик корхоналаридан олиб бериш иложи бўлмаган ҳолларда, фақат Республика Вазирлар Маҳкамаси қарори ва ери олинаётган хўжалик розилиги билангина амалга оширилиши мумкин;

- қишлоқ хўжалик ерларини бошқа корхоналарга олиб беришда улар қишлоқ хўжалик корхоналари кўрадиган зарар ва харажатларни қоплашлари керак;

- қишлоқ хўжалик ерлари вақтинча фойдаланишга берилган корхоналар ердан фойдаланиш муддати тугаганидан кейин ўз ҳисобларидан фойдаланиш даврида бузилган ерларни олдинги ҳолатига келтиришлари, яъни, уларни рекультивация қилиб қайтаришлари керак;

- ер участкалари ер эгаликларининг ва ердан фойдаланувчиларнинг розилиги билан берилади;

- унумдор қишлоқ хўжалик ерлари бошқа мақсадлар учун ажратилганда тупроқларнинг устки унумдор қатлами қирқиб олиниши, сақланиши ва фойдаланилиши керак;

- ажратиладиган ер майдонини шундай жойга жойлаштириш керакки, бунда бошқа тармоқлар манфаатларига зарар етказилмаган ҳолда, корхона олдига қўйилган махсус мақсад ва вазифаларни бажаришга зарур ҳамма шарт-шароитлар яратилсин;

- ернинг майдони, шакли ва табиий шароити улар ажратиладиган мақсадларга мос тушсин;

- ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга шароит яратилсин;

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қилинган харажатлардан оқилона фойдаланиш, қимматбаҳо ер турларини максимал сақлаш, ҳудудларнинг ташкил қилинишини бузмаслик, хўжаликлар ер майдонларида камчиликлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак.

Хулоса қилиб, ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ер ажратишда ҳисобга олиннадиган учта асосий тамойилни қуйидагича таърифлаш мумкин:

- қишлоқ хўжалигининг ердан фойдаланишдаги устиворлиги;
- ерни мутлоқ тежаш (ҳудудни минимал сарфлаш);
- ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларининг ва уларда

жойлаштириладиган объектларнинг ҳудудга ва атроф муҳитга таъсирини тўла ҳисобга олиш.

Асосли ва малакали лойиҳалаш - бутун ер ресурсларидан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни оқилона ташкил этишни, унумдор ерлардан тўғри фойдаланишни, ҳаракатдаги ҳукукий меъёрларга риоя қилишни таъминловчи ишончли йўлдир.

Ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ер участкаси ажратиладиган ва бериладиган хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси маълум тартибда ва кетма-кетликда ишланади ва учта босқичдан - жойни олдиндан келишиш, ер участкасини бериш ва ердан фойдаланишни расмийлаштиришдан иборат бўлади.

Корхонанинг жойлашадиган ўрнини ва тахминий майдонини олдиндан келишиб олиш. Ер олмоқчи бўладиган корхона ёки ташкилот лойиҳа ишлангунча белгиланган мақсад учун ер майдони ажратишни сўраб, унинг жойлашадиган ўрни ва тахминий майдони кўрсатилган ариза билан вилоят ҳокимиятига мурожаат қилади. Хўжаликлараро ер тузиш ўтказиш учун асос бўлиб Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки вилоят ҳокимиятларининг корхонанинг ўрнини аниқлаш тўғрисидаги қарорлари хизмат қилади.

Мавзу бўйича М.Улуғбек массиви Ўникки қишлоғи ҳудудидан касб - ҳунар коллежи қурилиши учун икки ечимда ер ажратиш режалаштирилди. Уларнинг тавсифи қуйидагича:

I-ечим бўйича М.Улуғбек массиви Ўникки қишлоғи ҳудудидан касб - ҳунар коллежи қурилиши учун марказий қишлоққа бориш йўлидан Бойдоқчи қишлоғининг жанубий шарқий томонида Бойдоқчи қишлоғига борадиган автомобил йўлининг ўнг томонида фойдаланиш харитасининг 271 контурида жойлашган. Ажратилган ер майдонининг тупроқ балл бонитети 61 балга тенг, жами майдони 3,6 га, шундан 3,5 га суғориб экин экиладиган ерлар, 0,06 га йўллар ва 0,04 га ариқлар тагидаги ерлардан иборат.

Танланган ер майдони Бойдоқчи қишлоғининг жанубий шарқий қисмида 150 метр жанубий томонга қараб 240 метр масофада жойлашган бўлиб шимолий шарқ томондан лоток билан жанубий томондан Рахимова фермер хўжалиги билан, жанубий ғарбий томондан 240 метр ариқ билан, шимолий шарқ томондан ҳам Рахимова фермер хўжалиги ерлари билан чегараланади.

Касб - ҳунар коллежи қурилиши узунлиги 240 метр, эни 150 метрни ташкил этади.

II-ечим бўйича М.Улуғбек массиви ҳудудидан касб - ҳунар коллежи қурилиши учун Ўникки қишлоғида жойлашган Ўйрот келажиги фермер хўжалиги еридан 3,6 гектар ер ажратилди. Ажратилган ер майдонининг тупроқ балл бонитети 46 балга тенг, жами майдони 3,6 га, шундан 3,4 гектари суғориб экин экиладиган ҳайдалма ер, 0,16 гектари йўллар ва 0,04 га сув ости ерлари. Касб - ҳунар коллежи қуйидаги 250 контурда массивнинг шарқий қисмида жойлашди. Танланган ер майдони Ўникки қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб шимолий шарққа қараб 240 метр йўл билан, ғарб томондан 140 метр зовур билан билан, жануб томондан 260 метр экин ерлари билан, шарқ томондан 140 метр дала йўли билан чегараланади.

2.2. Касб-ҳунар коллежига ер ажратиш ва уни ҳудудда жойлаштириш

Ноқишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ердан фойдаланишларни ташкил этиш лойиҳаси объектнинг жойлашадиган ўрнини олдиндан келишиш босқичида тўла ишланади ва ер участкасини бериш жараёнида (жойлаштириладиган объектга лойиҳа тузилганидан кейин) зарурат туғилса, аниқлик киритилади. Ер тузиш лойиҳасида объектнинг тавсифини ҳисобга олиб, ердан фойдаланишнинг жойлаштирилишини, ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни

таъминловчи маълум доирадаги масалалар ечилиши керак. Энг яхши ечимни топиш мақсадида манфаатдор ташкилотлар ва корхоналар учун тўғри келадиган алоқа тармоғини жойлаштиришнинг бир неча ечимлари ишланади.

14-жадвал

Ечимлар бўйича касб-хунар коллежи учун ажратиладиган ер майдонининг контурлар бўйича ҳисоби

Контур рақами	Умумий майдони, га	шу жумладан		
		хайдалма ерлар	йўллар	бошка ерлар
1-ечим бўйича				
271	3,6	3,5	0,06	0,04
2-ечим бўйича				
250	3,6	3,4	0,16	0,04

Қимматбаҳо қишлоқ хўжалик ва ўрмон ерларини, ҳудуднинг мавжуд ташкил этилишини сақлаш, ерларнинг аҳволи ва сифати ёмонлашишининг олдини олиш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

- ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини биринчи навбатда заҳира ерларида, қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа ерларда, қишлоқ хўжалиги учун яроксиз ёки унумдорлиги паст ерларда, ҳамда ўрмон билан қопланмаган, арзонбаҳо дарахтлар ва буталар билан қопланган ўрмон фонди ерларида жойлаштириш;

- мавжуд ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни, айниқса қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликларини ва улар ҳудудларининг ички ташкил этилишини бузмаслик ёки ушбу ва атрофдаги ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ва маҳсулдорлигининг пасайишига бевосита ва билвосита олиб келадиган ўзгаришларни энг кам киритиш;

- эрозия, батқоқлашиш, сизот сувлари кўтарилиши жараёнларига, ерлар бузилиши ва ифлосланишининг бошқа турларига йўл қўймаслик бўйича чораларни кўриш;

- қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарнинг хўжалик фаолияти шароитларининг ёмонлашишига олиб келадиган, уларга зарарлар ва харажатлар келтирадиган салбий оқибатларга йўл қўймаслик.

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларининг ва бошқа объектлар-нинг лойиҳаланган участкалари чегаралари 1:10000 масштабдаги лойиҳа планига туширилади.

Ечимлар бўйича касб-хунар коллежи учун контурлар бўйича ажратиладиган майдон ҳисоби қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики 1-ечим бўйича ажратилаётган 3,6 га майдоннинг 97,2 % ни суғориладиган ҳайдалма ерлар ташкил этади. 2-ечимда ажратилаётган 3,6 га майдоннинг 94,4 % ни суғориладиган ҳайдалма ерлар ташкил этади.

2.3. Касб-хунар коллежига ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш

Қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудидан ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ер ажратилганда ишлаб чиқилган ер тузиш лойиҳаси Ер кодексининг 13 – моддасига кўра қуйидаги тартибда бажарилади.

Маъмурий ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилашга доир материаллар, шунингдек истиқболга мўлжалланган, ҳамда лойиҳалаш олдидан ер тузиш ишларига доир бошқа материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари мол – мулкнинг мулкдорлари ёки улар ваколат берган органлар томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинади. Шунингдек манфаатдор ташкилотлар билан келишилади. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади. Юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиш бериш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари туман ҳокими томонидан тасдиқланади. Ер тузиш лойиҳаларига ўзгартиришлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органларнинг рухсати билан амалга оширилади.

Ер тузишни ер тузиш хизмати органлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширади. Қишлоқ хўжалик экинзорларини жойлаштириш, ерларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш, эрозияга қарши ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш борасидаги ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ улар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ноқишлоқ хўжалик корхонасига хўжалик ҳудудидан ер ажратиш билан боғлиқ ер тузиш иши таркибига кирувчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

1. ер участкасига талабгорнинг илтимосномаси;
2. фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши баённомаси;
3. талабгорнинг ер тузиш ишини қўзғатиш бўйича туман ҳокимига илтимосномаси;
4. ер участкасини жойда танлаш далолатномаси;

5. туман ҳокимининг ер ажратиш бўйича қарори;
6. ер участкаси плани;
7. санитария эпидемиология хизмати хулосаси;
8. вилоят ҳокимининг қарори;
9. вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг хулосаси.

Қашқадарё вилояти ҳокими
З.Рўзиевга вилоят ҳокимлиги инженеринг
компанияси капитал қурилиш бошқармаси
бошлиғи М.Сафаровдан

Илтимоснома

Вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси капитал қурилиш бошқармаси сиздан Касби тумани М.Улуғбек массиви Ўникки қишлоғи ҳудудидан 2014 йилда янгидан қурилиши режалаштирилган 400 ўринга мўлжалланган касб - ҳунар коллежи қурилиши учун 3,6 га ер майдони ажратиб беришингизни сўрайди.

Вилоят ҳокимлиги инженеринг
компанияси капитал қурилиш
бошқармаси бошлиғи

М.Сафаров

Касби тумани “М.Улуғбек” массиви Ўникки қишлоғи “Ўйрат келажаги” фермер
хўжалиги аъзолари йиғилишининг

ҚАРОРИ

2014 йил 5 апрель

№1

Ўникки қишлоғи

Йиғилиш раиси: М. Бердиев

Йиғилиш котиби: С.Хусанов

Кун тартибда кўрилган масала: Вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси капитал қурилиш бошқармасига “М.Улуғбек” массиви Ўникки қишлоғи “Ўйрат келажаги” фермер хўжалиги ҳудудидан 400 ўринга мўлжалланган касб-хунар коллежини лойиҳалаштириш учун ер майдони танлаш тўғрисида.

Ушбу масала юзасидан фермер хўжалиги раиси ўз фикрини билдирди. Шунингдек, хўжаликнинг бошқа мутахассислари ҳам ўз фикрини билдириб, юқоридаги лойиҳани маъқуллаб гапиришди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси капиатал қурилиш бошқармасига “М.Улуғбек” массиви Ўникки қишлоғи “Ўйрат келажаги” фермер хўжалиги ҳудудидан 400 ўринга мўлжалланган касб-хунар коллежини лойиҳалаштириш учун жами 3,6 га, шундан 3,4 га суғориб экин экиладиган ерлар, 0,16 га йўл остидаги ерлар билан банд бўлган ва 0,04 га йўл остидаги ер майдонлари танлансин.

2. Буюртмачи ердан мақсадга мувофиқ фойдаланиши кўзда тутилсин.

3. Ушбу қарорни тасдиғи туман ҳокимлигидан сўралсин.

Йиғилиш раиси:

М.Бердиев

Йиғилиш котиби:

С.Хусанов

Вилоят ҳокимлиги инженеринг компаниясига М.Улуғбек массиви Ўникки қишлоғи
“Ўйрат келажаги” фермер хўжалиги ҳудудидан 400 ўринга мўлжалланган касб-хунар
коллежини қурилиши учун ер майдони танлаш тўғрисида

ДАЛОЛАТНОМА

2014 йил 20 май

Касби шахри

Биз қуйидаги имзо чекувчилар туман ҳудудида янгидан қуриладиган
объектларга ер майдони танлаб бериш бўйича туман комиссияси таркиби:

М.Хасанов - туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, Комиссия раиси

Ф.Жумаев – Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи комисси раиси
ўринбосари

Б.Ганиев - “Ўздаверлойиха” институти Қашқадарё вилояти бўлинмаси директори

М.Сафаров – Вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси капитал қурилиш
бошқармаси бошлиғи

Б.Норбоев - Тумани табиатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи

Н.Мейлиев – Туман архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи

А.Шовкиров– Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи

С.Муродов - Туман ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғи

У.Назаров – Туман санитария Эпидемиология назорати бош врач

М.Бердиев - “Ўйрат келажаги” фермер хўжалиги раиси

Туман ҳокимининг 2014 йил 15 апрелдаги 45-ф сонли фармойишига асосан туман
комиссия аъзолари “М.Улуғбек” массиви Ўникки қишлоғи Ўйрат келажаги фермер
хўжалиги ҳудудидан 400 ўринга мўлжалланган касб-хунар коллежини қуриш учун
ажратиладиган ер майдонини жойни ўзида бориб қўрилди.

Ажратиладиган ер майдони Ўникки қишлоғининг шимолий-
ғарбий қисмида автомобил йўлининг чап томонида ердан фойдаланиш харитасининг
250 контурида жойлашган.

Ажратиладиган ер майдонининг томонлари ва ўлчамлари қуйидагича: танланган
ер майдони Ўникки қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб шимолий шарққа қараб 240 метр
йўл билан, ғарб томондан 140 метр зовур билан билан, жануб томондан 260 метр экин
ерлари билан, шарқ томондан 140 метр дала йўли билан чегараланади.

Ажратилган ер майдонининг тупроқ балл бонитети 46 балга тенг бўлиб жами
майдони 3,6 га шундан: 3,4 га суғориб экин экиладиган ерлар, 0,04 га сув остидаги
ерлари ва 0,16 га йўللاردан иборат.

Ажратиладиган ер майдонига туб харажат қилинган бошқа қурилиш иншоотлари ва қўп йиллик экинлар мавжуд эмас.

Ажратиладиган ер майдони 400 ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши мақсадида бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалигидаги нобудгарчиликларнинг ўрнини қоплаш кўзда тутилмайди.

Ажратиладиган ер майдони архитектура ва шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ лойиҳалаштириш, архитектура ва шаҳарсозлик кенгашидан ўтказиш, ер майдони ажратиш ишлари тўлиқ бажарилиб, ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат акти берилгандан сўнг рухсат этилади.

Ажратиладиган ер майдони санитария, экология нормаларига ва ёнғиндан муҳофаза қилиш талабаларига жавоб беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, комиссия аъзолари вилоят ҳокимлиги инжинирингкомпаниясига 400 ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежини лойиҳалаштириш учун 3,6 га, шундан 3,4 га суғориб экин экиладиган ерлар, 0,04 га сув остидаги ерлар билан банд бўлган ер ва 0,16 га йўл майдонини ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Имзолар:	М.Хасанов	Ф.Жумаев	А.Жўраева
М.Юсупов	Б.Норбоев	Н.Мейлиев	А.Шовкиров
С.Муродов	У.Назаров	З.Азимов	

Касби тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими
ХУЛОСАСИ

2014 йил 22 май

Касби шаҳри.

Вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси
капитал қурилиш бошқармасига 400- ўринга
касб-ҳунар коллежи қурилишига 3,6 га
майдони ер ажратиш тўғрисида

Вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси капитал қурилиш бошқармасининг 2014 йил 9 февралдаги 105- сонли хати билан М.Улуғбек массиви ҳудудидан 400 - ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежини лойиҳалаштириш учун ер майдони ажратиш ҳужжатларини тайёрлаб беришни сўраб чиқишди.

Шу куни туман ҳокимининг 2014 йил 26 апрелдаги 45-ф сонли фармойишига асосан тузилган комиссия аъзолари “М.Улуғбек” массиви Ўникки қишлоғи “Ўйрат келажаги” фермер хўжалиги ҳудудидан 400-ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежини лойиҳалаштириш учун ажратиладиган ер майдонини жойни ўзида бориб кўрилди.

Ажратиладиган ер майдони Ўникки қишлоғининг шимолий-ғарбий томонида автомобил йўлининг чап томонида ердан фойдаланиш харитасининг 250 контурида жойлашган.

Ажратиладиган ер майдонининг томонлари ва ўлчамлари қуйидагича: танланган ер майдони Ўникки қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб шимолий шарққа қараб 240 метр йўл билан, ғарб томондан 140 метр зовур билан билан, жануб томондан 260 метр экин ерлари билан, шарқ томондан 140 метр дала йўли билан чегараланади.

Ажратилган ер майдонининг тупроқ балл бонитети 46 балга тенг бўлиб жами майдони 3,6 га шундан: 3,4 га суғориб экин экиладиган ерлар, 0,04 га сув остидаги ерлари ва 0,16 га йўللاردан иборат.

Ажратиладиган ер майдонига туб харажат қилинган бошқа қурилиш иншоотлари ва кўп йиллик экинлар мавжуд эмас.

Ажратиладиган ер майдони 400- ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши мақсадида бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалигидаги нобудгарчиликларнинг ўрнини қоплаш кўзда тутилмайди.

Ажратиладиган ер майдони архитектура ва шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ лойиҳалаштириш, архитектура ва шаҳарсозлик кенгашидан ўтказиш, ер майдони ажратиш ишлари тўлиқ бажарилиб, ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат акти берилгандан сўнг рухсат этилади.

Ажратиладиган ер майдони санитария, экология нормаларига ва ёнгиндан муҳофаза қилиш талабаларига жавоб беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, комиссия аъзолари вилоят ҳокимлиги инжинирингкомпаниясига 400 ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежини лойиҳалаштириш учун 3,6 га, шундан: 3,4 га суғориб экин экиладиган ерлар, 0,04 га сув остидаги ерлари билан банд бўлган ерлар ва 0,16 га йўллардан иборат ер майдонини ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

**Туман ер ресурслари ва давлат
кадастри бўлими бошлиғи**

Н.Мейлиев

Касби тумани ҳокими

ҚАРОРИ

2014 йил 26 май

№165/05

Касби шахри

Вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси капитал
қурилиш бошқармасига 400- ўринга мўлжалланган
касб-хунар коллежи қурилишига 3,6 га
ер майдони ажратиш тўғрисида

Туман ишчи комиссияси ва вилоят ҳокимининг 2014 йил 10 январдаги 8– Ф
сонли фармойишига асосан тақдим этилган ер ажратиш тўғрисидаги лойиҳа
хужжатларини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий Давлат
ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси капитал қурилиш бошқармасига
“М.Улуғбек” массиви ўникки қишлоғи “Ўйрат келажаги” фермер хўжалиги
ҳудудидан 400 ўринга мўлжалланган касб-хунар коллежини лойиҳалаштириш учун
жами 3,6 га, шундан 3,4 га суғориб экин экиладиган ерлар, 0,04 га сув остидаги ерлар
билан банд бўлган ва 0,16 га йўллар эгаллаб турган ер майдонини ажратиш тўғрисида
лойиҳа хужжатлари тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” нинг 87 – моддасига асосан касб-хунар
коллежини лойиҳалаштириш учун ажратиладиган ер майдонидаги қишлоқ хўжалиги
ишлаб чиқаришидаги нобудгарчиликларни ўрнини қопланиши кўзда тутилмасин.
3. Қурилишни бошлашга бош режа тузилиб, ер ажратиш хужжатлари тўлиқ
бажарилиб, ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат акти берилгандан сўнг рухсат
этилсини.
4. Ушбу қарорни тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими

А.Жўраев

Қашқадарё вилояти ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармасининг ХУЛОСАСИ

2014 йил 10 июнь

Қарши шахри

Вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси
капитал қурилиш бошқармасига 400-ўринга
мўлжалланган касб-ҳунар коллежи
қурилишига 3,6 га майдони ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 октябрдаги Х-473-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида Ўздаверлойиҳа институти Қашқадарё бўлинмаси томонидан тайёрланиб, туман комиссияси томонидан тақдим этилган, Касби тумани М.Улуғбек массивидаги “Ўйрат келажаги” фермер хўжалиги ҳудудидан Вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси капитал қурилиш бошқармасига 400- ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежини қуриш учун ер майдони ажратиш учун тўпланган ҳужжатлар вилоят ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан кўриб чиқилди.

Касби туман ҳокимининг 2014 йил 26 апрелдаги 45-ф-сонли фармо-йишига асосан тузилган комиссия аъзолари “М.Улуғбек” массиви Ўникки қишлоғи Ўйрат келажаги фермер хўжалиги ҳудудидан 400- ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежи учун ажратиладиган ер майдонини жойни ўзида бориб кўрилди.

Ажратиладиган ер майдони Ўникки қишлоғининг шимолий-ғарбий томонида автомобил йўлининг чап томонида ердан фойдаланиш харитасининг 250 контурида жойлашган.

Ажратиладиган ер майдонининг томонлари ва ўлчамлари қуйидагича: танланган ер майдони Ўникки қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб шимолий шарққа қараб 240 метр йўл билан, ғарб томондан 140 метр зовур билан билан, жануб томондан 260 метр экин ерлари билан, шарқ томондан 140 метр дала йўли билан чегараланади.

Ажратилган ер майдонининг тупроқ балл бонитети 46 балга тенг бўлиб жами майдони 3,6 га шундан: 3,4 га суғориб экин экиладиган ерлар, 0,04 га сув остидаги ерлари ва 0,16 га йўللاردан иборат.

Ажратиладиган ер майдонига туб харажат қилинган бошқа қурилиш иншоотлари ва кўп йиллик экинлар мавжуд эмас.

Ажратиладиган ер майдони 400- ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши мақсадида бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалигидаги нобудгарчиликларнинг ўрнини қоплаш кўзда тутилмайди.

Ажратиладиган ер майдони архитектура ва шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ лойиҳалаштириш, архитектура ва шаҳарсозлик кенгашидан ўтказиш, ер майдони ажратиш ишлари тўлиқ бажарилиб, ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат акти берилгандан сўнг рухсат этилади.

Ажратиладиган ер майдони санитария, экология нормаларига ва ёнғиндан муҳофаза қилиш талабаларига жавоб беради.

Ер майдони ажратиш ҳужжатлари барча тегишли ташкилотлар билан келишилган. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2014 йил 23 майдаги 95/05-сонли хулосаси, туман ҳокимининг 2014 йил 26 майдаги 165/05 сонли қарори билан тасдиқланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, комиссия аъзолари вилоят ҳокимлиги инжинирингкомпаниясига 400 ўринга мўлжалланган касб-хунар коллежини лойиҳалаштириш учун 3,6 га, шундан: 3,4 га суғориб экин экиладиган ерлар, 0,04 га сув остидаги ерлари билан банд бўлган ерлар ва 0,16 га йўллардан иборат ер майдонини ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди ва ушбу хулосани кўриб чиқишни вилоят ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўрайди .

**Вилоят ер ресурслари ва Давлат
кадастри бошқармаси бошлиғи**

А.Ғаниев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ

ҚАРОРИ

20 июнь 2014 йил

№107

Қарши шахри

Вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси
капитал қурилиш бошқармасига 400-ўринга
мўлжалланган касб-ҳунар коллежи
қурилишига 3,6 га майдони ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора тadbирлар тўғрисида” ги 2003 йил 29 октябр 273– сонли, туман ҳокимининг 2014 йил 26 май 165/05-сонли қарорига асосан вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси капитал қурилиш бошқармасига Касби тумани Ўникки қишлоғи ҳудудидан 400 ўринли касб – ҳунар коллежи қурилишига ер ажратиш ҳақидаги ҳамда 2014 йил 10 июнь вилоят ер ресурслари давлат кадастри бошқармасининг Х 09/06 – сонли хулосасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” нинг 5–моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Касби тумани ҳокимининг вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси капиатл қурилиш бошқармасига 400 ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши учун жами, 3,6 га тупроқ балл бонитети 46 балли экин еридан ер ажратиш ҳақидаги 2014 йил 26 майдаги 165/05 – сонли қарори маъқуллансин.

2. Вилоят ҳокимлиги инженеринг компанияси капиатл қурилиш бошқармасига 400- ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилишига ажратилаётган тупроқ балл бонитети 46 балл 3,4 гектар экин ерини 40 см қалинликда унумдор устки қатлами мутахассислар кўрсатган кам ҳосилли ерларга ташиб бериш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарор халқ депутатлар вилоят Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

Вилоят ҳокими

З.Рўзиев

2.4.Мехнатни муҳофаза қилиш масалалари.

Хаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари.

Фаолият ва меҳнатнинг шакллари хилма хилдир. Улар турмушда, жамиятда, маданиятда, ишлаб чиқаришда, илмда ва бошқа хаёт соҳаларида кечадиган амалий, ақлий ва маънавий жараёнларни ўз ичига олади. Фаолият жараёнининг моделини умумий ҳолда иккита элементдан ташкил топган деб қараш мумкин, яъни бир-бири билан тўғри ва қайтма алоқада бўладиган инсон ва муҳит элементларидир.

Кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳодиса, таъсир ва бошқа жараёнлар хавфлар деб аталади. Хавфлар яширин (потенциал) ва реал тур-ларга ажратилади. Хавфлар учун қуйидаги белгилар характерлидир: хаётга таҳлика, соғлиқка зарар, инсон аъзолари ишлашининг қийинлашишидир.

Тажриба шуни кўрсатади, ҳар қандай фаолият потенциал хавфлидир. Бу тасдиқланиш аксиомал характерга эгадир ва бир вақтнинг ўзида тан олинадики, хавф (таваккал) даражасини бошқарса бўлади, яъни камайтирса бўлади. Бу тасдиқланиш эса маъқул бўлган таваккал концепциясига олиб келади. У абсолют хавфсизликга эришиб бўлмаслигини тушунишга асосланади. Хавфсизлик - бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимоликда хавфларнинг келиб чиқишини бартараф қилишдир. Хавфсизлик - бу инсонлар олдида қўйилган мақсаддир. Хаёт фаолияти хавфсизлиги эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усулларидир. “Хаёт-фаолият хавфсизлиги” - хавфлар ва улардан ҳимояланишни ўрганади. Уни ўрганишнинг предмети - фаолият (меҳнат)нинг бир томонидир, айнан хавфлар улардан ҳимояланиш мақсадида.

Одамзот ҳар доим ўзининг хавфсизлигини таъминлашга интилади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан бу масалалар махсус билимларни талаб қилади. Бизнинг давримизда хавфсизлик муаммолари янада кескинлашди. Мамлакат ва жамият бахтсиз ҳодисалар, ёнғинлар, авариялар ва талофатлардан улкан зарар кўриб келмоқда. Шунинг учун хавфлардан ҳимояланиш масалаларида одамларни тарбиялаш муҳим аҳамият кашф этади. Бизнинг жамиятимизни барқарорлаштиришда Хаёт фаолияти хавфсизлиги муҳим ижтимоий рол ўйнайди ва халқ фаолияти хавфсизлиги даражасини оширишда улкан ҳисса қўшади.

Меҳнат муҳофазаси.

Маъмурий биноларда ҳам кўплаб ишчи ходимлар фаолият олиб борадилар. Бунда уларга биноларда зарарли ва заҳарли омиллар хавф туғдириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бошқарув биноларида асосан ишчи ходимларга асосан қуйидаги сабаблар хавф туғдириши ва уларнинг соғлигига ҳамда ишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Булар ишлаб чиқариш хонасида ёритилмаганликнинг етишмаслиги, шовқин,

товуш таъсирининг кўплиги, хаво алмаштириш қурилмаларининг тўлиқ ишламаслиги, захарли ва зарарли моддалар билан ишлашда хавфсизлик талабларига риоя қилмаслиги ва бошқалар.

Ташқи муҳитнинг метеорологик шароитлари тушунчасига инсон организмида иссиқлик алмашинуви жараёнига таъсир қилувчи физик омиллари киради. Булар қуйидагилардир: атмосфера босими, хаво температураси (ҳарорати), хавонинг ҳаракат тезлиги, нисбий намлик ва иссиқлик нурланишидир. Микроиқлим кўрсаткичлари таъсири остида юзага келадиган организмнинг жадал исиши ёки совуб кетиши унда ҳар хил касалланишлар келтириб чиқаради, иш сифати ва унумдорлигини пасайтиради, фалокат ва жароҳатланишлар юз беришига ҳамда бошқа кўнгилсиз оқибатлар сабабчиси бўлади.

Бошқарув хоналаридаги хавонинг ҳарорати, атмосфера босими белгиланган нормада бўлиши талаб этилади. Кўрсаткичларининг инсон организмига таъсирини комплекс ўрганиш, уларни меъёрлаш, ўлчаш ва ҳисоблашдан олдин, кўрсаткичларни алоҳида, физик моҳиятини тушуниб, чуқур ўрганиш катта аҳамиятга эга. Масалан, инсон организми 550....950 мм.с.м.уст.га тенг бўлган босимларда салбий ўзгаришларсиз фаолият кўрсатади. Организмга босимнинг вақт бирлиги ичида кескин тез ўзгариши салбий таъсир қилади. Инсон ўпкасидаги альвеоляр хавода кислород 14,5 % дан ошмаслиги, сув буғларининг мавжудлиги кислород-нинг парциал босимининг янада кескин пасайишига ва „кислород очлиги“ касаллигининг тез авж олишига олиб келади. Хавонинг ҳаракат тезлиги 0,1 м/с кичик бўлса, уни инсон худди тинч турган хаво шароити деб қабул қилади, 1 м/с ошиқ тезлик эса инсонга салбий таъсир қила бошлайди.

Инсон атроф - муҳитдан оладиган маълумотнинг (информациянинг) деярли 95 % кўзи орқали олади. Қолган 5 % ҳид билишга, эшитишга ва интуицияга тўғри келади. Демак, инсон кўзи фақат ёритилганлик туфайли-гина кўришини ҳисобга олсак, ёритилганликнинг ишлаб чиқаришда ва умуман ҳаётда жуда катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги тасаввурга эга бўламиз. Ёруғлик нури ва ёритилганлик инсон соғлиги ва унинг орга-низмида кечаётган физиологик жараёнлар учун ҳам катта аҳамиятга эга

Ишловчиларнинг иш унумдорлигини ва иш сифатини кўтаришда ҳамда меҳнат шароитларини яхшилашда ишлаб чиқариш хоналарини ва иш ўринларини ёритиш муҳим роль ўйнайди. Ёритилганлик меъёрий талаблар даражасида бўлган ҳолатларда жароҳатланишнинг келиб чиқиш потенциал хавфи анча камаяди.

Шовқин таъсири остида инсон соғлиги ёмонлашади, унинг ижтимоий ва касбий ўсишига салбий таъсир қилади, ёш авлоднинг ўсиш кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади. Шовқин таъсири остида иқтисодий кўрсаткичлар ҳам пасаяди: масалан, иш унумдорлиги 10...12% пасаяди. Шу сабабли шовқинга қарши кураш ишлаб чиқаришдаги ва турмушдаги муҳим вазифага айланди.

Маъмурий бинолар ишчиларга таъсир кўрсатадиган яна бир манбаа бу титрашдир. Унинг таъсирини камайтириш учун бир қатор тадбирлар қилинади, булар, титраш юзага келадиган машиналарда ишлашга ишчиларни 18 ёшдан кейин қўйиш; хона хавоси температурасига чеклашлар қўйиш (16 °С кам бўлмаслиги керак); ташқарида совуқ шароитларда ишлаганда махсус исиниш уйчаларини ташкил қилиш (уйчада ҳарорат 22 °С бўлиши керак); ҳар бир соат ишдан кейин 10...15 минут танаффус қилиш; титровчи асбоблар билан ишлаш вақтига чегара қўйиш; шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва ҳ.к. киради.

Маъмурий бошқарув хоналарида кўплаб электр воситаларидан фойдаланилади. Бунда инсонларга электр токи бевосита таъсир қилиши мумкин. Электр токидан ҳимояланиш усуллари ва воситалари кучланишга, ток тури ва частотасига, таъминлаш манбаи нейтралли режимига, ташқи муҳит шароитларига, электр қурилманинг вазифасига, инсонни ток уриш ҳолатига ва бошқаларга қараб амалга оширилади. Электр токидан ҳимояланишнинг қуйидаги техник усул ва воситалари алоҳида ёки бир нечтаси биргаликда қўлланилади: Булар, ток ўтказувчи қисмларни диэлектрик материаллар билан қоплаш, яъни изоляциялаш, кучланиш остидаги ўтказгичларни яқинига бориб бўлмайдиган қилиб жойлаштириш, тўсиқлар билан электр ускуналарини тўсиш, блокировка қурилмаларини қўллаш, кичик кучланишларни қўллаш, иш ўрнини изоляциялаш, электр қурилмаларини ноллаш, электр қурилмаларини ерга улаш, электр тармоғини қисмларга ажратиш, электр потенциалларини тенглаштириш, автоматик ажраткичларни қўллаш ва бошқалар.

Биринчи тиббий ёрдам.

Маъмурий биноларда ишчи ходимлар бир қатор ишларни бажараётганда турли хил тан жароҳати олишлари мумкин. Бунда ишчилар синиш, лат ейиш, электр зарбасидан жароҳатланиш, куйиш кабилар билан жароҳатланади. Уларга жойнинг ўзида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш талаб этилади.

Инсон организмида суякларнинг синиши ёки чиқишини шу жойнинг шишиб кетиши, одатий бўлмаган қийшайиш ва оғриқ туфайли аниқлаш мумкин. Бундай пайтда биринчи вазифа шикастланган бўғинларни қўзғалмайдиган тинч ҳолатини сақлаш керак. Лат еган жойни яхлатиш зарур. Бу тадбир оғриқни қолдириш билан биргаликда

зарар етмаган жойларга ҳам путур етказмасликни таъминлайди ва шу ўринда беморни касалхонага олиб боришда ёрдам беради. Бундай ҳолатни сақлаш синган ёки чиққан жойга фанер, картон шиналар қўйиш ёрдамида таъминлаш мумкин. Шиналарни қўйиш ва уни боғлаш вақтида имкон қадар лат еган жойни аввалги ҳолатини ўзгартирмасликка ҳаракат қилиш керак.

Бошни лат ейиши натижасида мия чайқалиши бош суягининг синиши каби бахтсиз ҳодислар кузатилади. Мия чайқалиши ҳолларида кўпинча бош оғриги, нафас сиқилиши ва кўнгил айнаши ҳолатлари ҳам учрайди. Бош суякнинг синганини кулоқлар ва оғиздан қон кетиши орқали билиш мумкин. Бу ҳолларда жабрланувчи хушсиз ҳолатда бўлади. Врачнинг келишига қадар лат еган жойга музни қўйиб совуқ ҳолатда ушлаш керак.

Кўрак қафасининг лат ейиши кўча-транспорт ҳалокатлари натижасида тўғридан-тўғри урилиш, ҳар хил нурашлар, баландликдан йиқилиш натижасида содир бўлади. Кўрак қафаси шикастланганда биринчи ёрдам сифатида оғриқни қолдирувчи дорилар ва антибиотиклар берилади. Қонталаш ва оғриқни камайтириш мақсадида совуқ (музли пуфак) ва лат еган жойга хлорэтил қўйилади. Юмшоқ тўқималарга қўйилган қоннинг тезроқ сўрилиши учун махсус иситгич, ярим спиртли иситувчи компресслар ва физио муолажалар қўлланилади.

Бармоқларнинг синиши ҳолларида биринчи ёрдам шинага панжалар қаттиқ боғланади, шунинг эътиборга олиш керакки бармоқлар озгина эгилган ҳолларда бўлиши мато (рўмол) билан осиб қўйилади.

Умurtқа поғонасининг синиши йиқилиш, том босиб қолиш ҳолати ва қаттиқ зарба орқали бўлади. Умurtқа синишининг асосий белгиси бирданига умurtқада пайдо бўлган қаттиқ оғриқдир. Бемор белини буколмай қолади ва томондан томонга ағдарила олмайди.

Орқа мия зарар кўрмаслиги учун бу ҳолларда беморни касалхонага олиб бориш вақтида уни кўтармасдан остига тахта киритилади. Агар мушкул бўлмаса беморни юз тубан қилиб ағдарилади. Шунинг эътиборга олиш керакки бемор ағдарилган пайтда унинг бадани қийшаймаслиги керак.

Электр токидан шикастланган киши организмида тананинг айрим жойларида умумий ёки маҳаллий ўзгаришлар юз беради: тери куйиши, юмшоқ тўқималарнинг куйиши, асаб тизимини ишан чиқиши, нафас олишнинг тўхтаб қолиши ва ш. ў. кабилар.

Электр токи урган кишини зудлик билан ток таъсиридан қутқарилади. Бунинг учун ток манбаадан ўчирилади, ёки шикастланган кишини ток ўтаётган симдан ажратиб олинади.

Ток таъсиридан қутқарилган киши хушида бўлса текис жойга ётқизилиб тоза ҳаво билан таъминлаш керак. Агар ток урган киши беҳуш бўлса зудлик билан сунъий нафас олдирилади ва юраги массаж қилинади. Сунъий нафас олдирилаётганда шикастланган кишини зах ерга, бетон полга ётқизиб бўлмайди. Биринчи ёрдам кўрсатаётган киши тез ва пухта ҳаракат қилиши керак.

Куйишлар шикастланишлар ичида энг кўп тарқалган. Бу каби куйишлар тўқималарга юқори ҳарорат таъсир этганда рўй беради.

Куйишда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда беморни шифохонага юборишдан аввал, унинг ҳаётига ҳавф солувчи патологик ҳолатларни билиш (куйиш натижасида шок ҳолати, нафас органларининг шикастланиши, ёнувчи захарли моддалар билан захарланишлар, механик шикастланиш ҳаёт фаолиятининг бузилиши) ва агар лозим бўлса реанимация ва даво тадбирларини қўллаш (юракни ёпик массаж қилиш, сунъий нафас олдириш) лозим. Куйган жойга бирор бир дори-дармонларни қўйиш рухсат этилмайди, айниқса, мазъ ва ёғсимон моддалар суртиш асло мумкин эмас.

Беморни шифохонага олиб бориш бир мунча кўпроқ вақтни талаб этса унга оғрик қолдирадиган дорилар (примедол, аминалон, морфин эритмалари, анальгин ва димедрол) берилади. Иложи бўлса буларни венага юбориш керак, чунки шок ҳолати содир бўлганда бу моддаларнинг тери остидан ва мушакдан сўрилиши секин ўтади. Шу билан бирга беморга иссиқ чой ва кофе, озроқ миқдорда алкоголь ичириш ҳамда ишқорли минерал сув (500-1000 мл) суюқликларини бериш зарур.

Дала шароитида иш бажаришда меҳнат гигиенаси

Меҳнат муҳофазасининг тадбирларига ишловчиларга таъсир қиладиган зарарли ва ҳавфли омилларни олдини олишга, камайтиришга ва йўқ қилишга йўналтирилган барча фаолият турлари киради.

Шартли равишда бу тадбирлар куйидагиларга бўлинади: ижтимоий-иқтисодий, техникавий, санитар-гигиеник ва ташкилий.

Улар бир ёки кўп мақсадли бўлиши шарт. Бир мақсадли тадбирлар асосан ёқутила равишда меҳнат шароитини яхшилашга ва бу билан ишлаб чиқариш фаолиятини натижаларини кўтаришга йўналтирилади.

Ижтимоий - иқтисодий тадбирлар куйидаги омиллар орқали амалга оширилади: касбий активлик даврини ошириш, жароҳатланиш ва касбий касалликлар билан

боғлиқ бўлган зарарларни камайтириш, енгиллик ва компенсация тўловчиларни камайтириш.

Юқоридан ҳар бир ташкил қилувчилар муҳим аҳамиятга эга.

Техник тадбирларни нормал иш режимларида ва экстремал ҳолатларида стабил хавфсизликни таъминлаб туриш лозим. Бу тадбирлар машина, механизмлар ва технологияларнинг техник ҳужжатларида баён қилинган талаблар асосида хавфсизларни таъминлаш лозим.

Санитар-гигиеник характердаги тадбирлар санитар нормалар (СН), қуриш нормалари ва қоидалар (СНиП), ва стандартлар (ССБТ) билан аниқланган.

Ташкилий тадбирлар ўзига қуйидагиларни олади: иш ва дам олиш режимларини назорат қилиш, ўқитиш, аттестация, инструктажлар, меҳнат муҳофазаси қоида ва нормаларнинг бажарилишини назорат қилиш, меҳнат муҳофазасини бошқариш ва х.к.

Меҳнат муҳофазаси ва шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар самарадорлигини баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар билан: меҳнат шароити ҳолатини ўзгартириш, ижтимоий-иқтисодий ва иқтисодий кўрсаткичлар билан баҳоланади.

Меҳнат муҳофазаси ва шароитни яхшилаш бўйича иқтисодий самарадорлиги баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади.

Йиллик иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи-бу меҳнат муҳофазаси тадбирларини жорий қилишдан корхонага келадиган фойдани характерлайди ва қуйидагича аниқланади:

$$\mathcal{E}_r = \Pi_1 - \Pi_2 - \mathcal{Z}$$

Π_1 ва Π_2 корхонага меҳнат муҳофазаси тадбирларини жорий қилишдан олдинги ва кейинги жароҳатланиши ва касалланишлардан келган зарар (йўқотишлар).

$\mathcal{Z}$ -меҳнат муҳофазаси тадбирларига кетган харажатлар.

$$\mathcal{Z} = \mathcal{Z}_o + \mathcal{Z}_k \cdot E_n$$

$\mathcal{Z}_o$ -фойдаланиш чиқимлари

$\mathcal{Z}_k$ -капитал пул сарф қилиш (иш шароитини яхшилашга),сум

E_n -меъёрий коэффициент

Фойдаланиш чиқимлари қуйидагича аниқланади:

$$\mathcal{Z}_o = \mathcal{Z}_{of} + \mathcal{Z}_m + \mathcal{Z}_{mer} + \mathcal{Z}_{siz} + \mathcal{Z}_{lp} + \mathcal{Z}_{dr}$$

$\mathcal{Z}_{of}$ -асосий фондларни сақлаш ва хизмат қилишга кетган харажатлар

$\mathcal{Z}_m$ - иш шароитини яхшилаш мақсадида машина ва технологик жиҳозларга сақлаш ва хизмат қилишга кетган харажатлар

$\mathcal{Z}_{mer}$ -м.м бўйича перспектив, жорий ва оператив регионларига асосан ва шароити ва м.м тадбирларига кетган харажатлар.

$Z_{\text{сиз}}$ - шахсий ҳимоя воситаларни тозалаш, ремонт қилиш ва янгиларини сотиб олишга кетган харажатлар

$Z_{\text{лп}}$ -даволашни олдини олиш учун овқатланиш ва сутга кетган харажатлар

$Z_{\text{др}}$ - корхонада м.м бўйича бошқа харажатлар

Харажатларнинг самарадорлик кўрсаткичи - бу иш шароитларни яхшилаш тадбирларига қўйилган ҳар бир сўмдан олинадиган пулни характерлайди ва қуйидагича аниқланади.

Капитал харажатларни қоплаш

$$T_o = Z_k / P_1 - P_2$$

Меҳнат муҳофазаси тадбирларини жорий қилишдан олдинги ва кейинги харажатланиш ва касалланишлардан келадиган иқтисодий зарарлар:

$$P_1 = C_1 + C_2 + C_3 + \dots C_n$$

Дала шароитида ишчиларни ишлашлари учун меҳнат гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этишлари талаб қилинади. Дала шароитида ер тузиш ишларини олиб боришда ишчилар ўзлари билан далада юришлари учун биринчи навбатда дала шароити учун кийиниши, ўзлари билан ичимлик суви, махсус асбобларни олиб юриш учун барча талаблар даражасида тайёргарлик кўришлари керак. Дала шароитида бир кун давомида ишни бажариш даражасидан келиб чиқиб 200-400 га ер майдонида иш юритишлари мумкин.

III БОБ
ЛОЙИҲАНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК АСОСЛАШ

3.1. Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш

Ноқишлоқ хўжалик корхоналарини жойлаштириш натижасида қишлоқ хўжалик ерларини олиш келтириб чиқарадиган қишлоқ хўжалик зарарлари, янги ерларни ўзлаштириш баҳоси ҳажмида қопланиши керак.

Янги ерларни ўзлаштириш деганда қуйидаги тадбирлар мажмуасини бажариш тушунилади:

- янги хўжаликларни ташкил қилиш;
- қишлоқ хўжалигида фойдаланишга ноқишлоқ хўжалик ер турларини (бутазорлар, кам қимматли ўрмонлар, кесилган ўрмонлар ва бошқ.) киритиш;
- мелиорация ишларини ўтказиш.

Янги ерларни ўзлаштириш баҳосининг миқдори ўзлаштириладиган ерларда, олинадиган участкаларда етиштириладиганидан кам бўлмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни таъминлайдиган меъёрлар бўйича аниқланади.

Зарарларни қоплаш ва янги ерларни ўзлаштириш баҳолари меъёрлари давлат томонидан белгиланади.

Ер турлари сифатининг ёмонлашиши келтириб чиқарадиган зарарлар қишлоқ хўжалик ерлари сифатининг пасайишига пропорционал тарзда, янги ерларни ўзлаштириш баҳолари меъёридан фоиз ҳисобида аниқланади. Меъёрлар шундай ҳисоб билан тузилиши керакки, бунда унумдор ерларни олиш жудаям қиммат, энг арзони – ноқишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш бўлсин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг кам зарарини келтириб чиқарувчи жойлаштириш ечими яхши ҳисобланади.

Ноқишлоқ хўжалик корхоналари қурилишига ер ажратиш лойиҳасини иқтисодий асослашда қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарар миқдори қуйидаги омилларни ҳисоблаган ҳолда аниқланади: таянчлар атрофидаги экинзорларни ҳосилини йўқотиш ёки пайхон бўлишидан кўриладиган зарар.

Қурилишлар атрофидаги экинларга ишлов беришда ортиқча меҳнат вақтини, уруғни, ёқилғи мойлаш материалларини, ўғитларни сарфлаш ҳисобига кўриладиган зарар қиймати.

Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратиш сабабли майдонда етиштириш мумкин бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматига тенг 5 йиллик ўртача ҳосилнинг амалдаги харид нархини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича аниқлаш мумкин.

$$P_z = M \times X \times X_n$$

Бу ерда: P_3 - ер ажратиш сабабли экин майдонидан кўриладиган зарар миқдори, минг сўм;

M - экин майдони, га; X - охирги беш йилдаги ўртача ҳосилдорлик, ц/га; X_n - ер ажратиш давридаги бир центнер ҳосилнинг харид нархи, минг сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йил 146-сонли қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомига асосан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори олиб қўйилаётган қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати, унумдорлиги, жойлашган жойи ва фойдаланиш самарадорлиги ҳисобга олинган ҳолда, шунингдек янги ерларни ўзлаштириш ишларини бажариш даврида йўқотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиймати ҳисобга олинган ҳолда уларнинг ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш зарурлигидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” нинг 87-модда – туман ҳокими қарори 2-пункти билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори қопланмайди.

3.2. Ер ажратиш натижасида ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарарлар миқдорини аниқлаш.

М.Улуғбек массиви ҳудудидан касб–ҳунар коллежи қурилиши учун ер ажратиш жараёнида ердан фойдаланувчиларнинг ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланувчиларни жойлаштириш келтириб чиқарадиган зарарлари объектни жойлаштириш-нинг ҳар бир ечими бўйича аниқланади. Уларга ажратилган майдон аниқлангандан кейин хўжаликлар кўрган зарарлари аниқланади.

Улар тўла ҳажмда бузилган ишлаб чиқаришни тиклаш учун зарур давр ҳисобига йўқотилган фойдани ҳам қўшиб қопланиши керак. Маблағни зарар кўрган ердан фойдаланувчилар олишади.

Ерларни сотиб олишда ер эгаликларининг зарарлари, уларнинг тўла қиймати миқдорида қопланади. Қуйидагиларнинг баҳолари қопланиши керак:

- уй-жой бинолари, маданий-маиший мақсадларга мўлжалланган объектлар, ишлаб чиқариш ва бошқа бино ва иншоотлар ёки уларни янги жойга кўчириш бўйича харажатлар;

- мева-резавор, химоя ва бошқа дарахтлар;
 - тугалланмаган ишлаб чиқариш;
 - ердан фойдаланишдаги ноқулайликлардан (камчиликлардан) келиб чиқадиган харажатлар;
 - ерларнинг ёмонлашган сифатини тиклаш учун зарур харажатлар;
 - ердан фойдаланувчи ҳуқуқларининг чекланиши билан боғлиқ харажатлар;
- бой берилган фойда.

Бинолог ва иншоотлар - тенг сифатли янги объектларни қуришнинг смета баҳоси бўйича; дарахтлар - кўчатлар ва уларни ўтқозиш ва мевалаш ёки шохлари туташа бошлагунча парваришlash баҳоси бўйича, тугалланмаган ишлаб чиқариш - ҳақиқий бажарилган ишлар ҳажми ва харажатлар миқдори бўйича баҳоланади;

Ёмонлашган ерларнинг сифатини тиклаш бўйича зарарлар лойиҳа ҳужжатларидан келиб чиқиб аниқланади ва ўз ичига махсус изланишлар ва қидирувлар, ҳамда ернинг сифатини тиклаш бўйича тадбирлар қийматини олади.

Ҳар йилги даромад ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми бўйича натурал кўрсаткичларда ва ерларни олиш вақтидаги ҳаракатдаги баҳоларда ҳисобланади.

Ҳисобланган зарарлар ва харажатлар манфаатдор томонлар билан келишилади, келиб чиққан тортишувлар судда ечилади.

15-жадвал

Ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарар миқдори ҳисоби

Т.р	Ердан фойдаланув- чилар	Экин тури	Майдо- ни, га	Ҳосилдор- лиги, ц/га	Ялпи махсулот, тонна	Ўлчов бир. баҳоси, минг сўм	Умумий баҳоси, минг сўм
1-ечим							
1	Раҳимова фермер хўжалиги	Пах- та	3,5	24,4	8,5	800	6800
2-ечим							
1	Ўйрат келажаги фермер хўжалиги	Пах- та	3,4	18,4	6,2	800	4960

Бу усулда йўқотиш зарарларини аниқлаш ечимларини солиштиришда ҳеч қандай аниқ бир ифодани кўрсатмайди. Буни шундай тушунтириш мумкинки ҳар бир гектар

экинлар ҳисобига кўрадиган зарарлар ва йўқотишларини аниқлаш усули аввалги йилга маҳсулот миқдорига тенг миқдорда маҳсулот етиштириш учун янги ерларни ўзлаштиришга кетган, ўсиб бораётган сарф харажатларни билан чегараланади.

3.3 Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш

Касб–ҳунар коллежи қурилиши натижасида қуйидаги иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади.

1. Капитал харажатлар.
1. Йиллик ишлаб чиқариш харажатлари.
2. Келтирилган харажатлар

Капитал харажатлар ҳажми лойиҳаланаётган коллеж учун йўл қуриш, сув тармоғини ўтказиш, алоқа тармоғини ўтказиш, электр тармоғини ўтказиш учун сарфланадиган харажатлар ҳажми бўйича аниқланади.

Қуйида 16-жадвалда капитал харажатлар миқдорини аниқлаш келтирилган.

16-жадвал

Коллеж қурилиши учун капитал харажатлар миқдори ҳисоби

Т.р	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	ҳажми	ўлчов бир- лиги қий- мати, минг сўм	жами харажатлар минг сўм
I – ечим					
1	Йўл қуриш	км	0,2	25000	5000
2	Суғориш тармоғи қуриш	км	0,2	5000	1000
3	Электр тармоғини қуриш	км	0,2	5000	1000
4	Газ тармоғини қуриш	км	0,5	25000	12500
5	Артезан қудуқ қазиш	дона	1	20000	20000
	жами				39500
II – ечим					
1	Йўл қуриш	км	0,2	25000	5000
2	Суғориш тармоғи қуриш	км	0,2	5000	1000
3	Электр тармоғини қуриш	км	0,1	5000	500
4	Газ тармоғини қуриш	км	0,3	25000	7500
5	Артезан қудуқ қазиш	дона	1	20000	20000
	жами				34000

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики I ечим бўйича капитал харажатлар ҳажми 39500 минг сўмни ташкил қилмоқда. II ечим бўйича капитал харажатлар ҳажми 34000 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Йиллик ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$\dot{Y}_x = A + \mathcal{E}$$

Бу ерда: A - амортизация ажратмаси, $\mathcal{E}$ - эксплуатация харажатлари.

Амортизация ажратмаси капитал харажатлардан 3 % ва эксплуатация харажатлари капитал харажатлардан 5 % миқдорида олинади.

I ечимда амортизация ажратмаси 1185 минг сўм, эксплуатация харажатлари 1975 минг сўмни ташкил қилди. II ечимда амортизация ажратмаси 1020 минг сўм, эксплуатация харажатлари 1700 минг сўмни ташкил қилмоқда.

1-ечимда йиллик харажатлар: $\dot{Y}_1 = 1185 + 1975 = 3160$ минг сўм.

2-ечимда йиллик харажатлар: $\dot{Y}_1 = 1020 + 11700 = 2720$ минг сўм.

Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаганимиздан сўнг келтирилган харажатларни аниқлаймиз. Келтирилган харажатлар қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$P_i = C_i + K_i \times E_n$$

Бу ерда: P_i - келтирилган харажатлар, C_i - йиллик ишлаб чиқариш харажатлари, K_i - капитал харажатлар, E_n - капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти.

$$P_1 = 3160 + 39500 \times 0,15 = 9085 \text{ минг сўм}$$

$$P_2 = 2720 + 34000 \times 0,15 = 7820 \text{ минг сўм}$$

Лойиҳа бўйича келтирилган харажатлар ҳажми 1 - ечимда 9085 минг сўмни 2-ечимда 7820 минг сўмни ташкил қилмоқда.

17-жадвал

Лойиҳанинг асосий - иқтисодий кўрсаткичлари

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	миқдори		фарқи
			I-ечим	II-ечим	
1	Касб-ҳунар коллежига ажратиладиган ер майдони Шу жумладан: хайдалма ер	га	3,6 3,5	3,6 3,4	- 0,1
2	Капитал харажатлар миқдори	минг сўм	39500	34000	5500
3	Ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарар	Минг сўм	6800	4960	1840
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	3160	2720	440

	миқдори				
	а) амортизация ажратмаси	минг сўм	1185	1020	165
	б) эксплуатация харажатлари	минг сўм	1975	1700	275
5	Келтирилган харажатлар миқдори	минг сўм	9085	7820	1265
6	4 йил давомида олинган керак бўлган фойда	минг сўм	8160	5952	2208

3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш

Ернинг ишлаб чиқариш жараёнида сифати яхшиланиши ёки пасайиши мумкин, агар ундан нотўғри фойдаланилса, умуман фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиши ҳам мумкин. У ҳўжасизларча тақсимланишдан ва фойдаланишдан, бузилишдан, ифлосланишдан ва бошқа унинг ва у билан боғлиқ табиий ресурсларнинг сифатини ёмонлаштирадиган салбий таъсирлардан муҳофаза қилиниши керак. Барча ер фондлари, ер эгаликлари, ердан фойдаланишлар, участкалар ҳимоя қилиниши керак. Биринчи навбатда қуйидагилар ҳимояланиши керак:

ерларнинг унумдорлиги ва қишлоқ ҳўжалигида маҳсулдорлиги;
қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа ўзига хос мақсадлар учун яроқли ерлар турлари;
участкаларнинг, ер турларининг, ер эгаликлари, ердан фойдаланиш-ларнинг кенглик хусусиятлари (майдони ва шакллари) қисқаришдан, парчаланишдан, шакли ёмонлашишидан;

экологик мувозанат (ернинг бошқа табиий омиллар билан ўзаро таъсири).

Оқибати номаълум бўлган ва илмий асосланмаган ҳаракатларга йўл қўймаслик керак, сабаби бунда зарар миқдори жуда катта бўлиши мумкин.

Ер тузишни лойиҳалаш жараёнида ерни, атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш талаблари қуйидаги сабаблар бўйича бузилиши мумкин:

лойиҳачиларнинг нотўғри ечимлари;
барча зарур тадбирлар ҳисобга олинмаганда, лойиҳа таркибидаги хатоликлар;
лойиҳалашнинг илмий асосланган услубиятига, меъёрларига ва қоидаларига риоя қилинмаганда.

Ерни муҳофаза қилиш ҳар хил йўллар билан ва ҳар хил босқичларда - лойиҳа олди, лойиҳалаш ва бевосита фойдаланиш жараёнида амалга оширилиши мумкин. Ҳар қандай экологик тадбирлар ердан фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни оқилона, илмий асосланган ташкил этишга асосланади. Шунинг учун ҳўжаликлараро ер тузиш

нафақат ерни, балки бутун атроф муҳитни ҳам муҳофаза қилишнинг биринчи ва асосий элементи деб ҳисобланиши мумкин.

Ерларни муҳофаза қилиш - бу ерларни сақлашга, тиклашга ва ҳолатини яхшилашга; ер ресурсларидан нооқилона, асосланмаган фойдаланиш ва сарфлашларнинг, қишлоқ хўжалик ерларининг унумдорлиги пасайишининг ва майдони камайишининг олдини олишга қаратилган ташкилий-худудий, ташкилий-хўжалик, ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва бошқа тадбирлар тизимидир.

Ерни ва атроф муҳитни муҳофаза этиш ер тузиш лойиҳасининг ёки чизмасининг барча таркибий қисмларига асосий вазифалардан бири сифатида киритилиши керак.

Хўжаликлараро ер тузиш чизмаларини ва лойиҳаларини ишлашда ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш бу вазифанинг мазмунига мос махсус ишлар билан амалга оширилади. Уларга қуйидагилар киради:

ердан фойдаланишларни ташкил этишда, яъни, уларни жойлаштиришда, ўлчамларини, чегараларини, инфратизимларни ва ш.ў. ер ресурсларини ва атрофдаги табиий муҳитни ишончли муҳофаза қилишни таъминловчи белгилаш, барча талабларга ва шартларга риоя қилиш;

қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудида ерларни ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар (ташкилий-худудий, ташкилий-хўжалик ва бошқ.) тизимини лойиҳалаш;

ҳимояланадиган ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар участкаларини, минтақаларини, полосаларини ҳудудларини ажратиш ва улар ичида ва атрофдаги ерларда ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаш. Бу ҳаракатларга мустақил характердаги ер тузиш турларидан бири сифатида қараш мумкин.

Хўжаликлараро ер тузиш масалаларини ечишда, яъни, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ўлчамларини, уларнинг ички тузулишини, ер массивларининг жойлашишини, чегараларини, қишлоқларини белгилашда атроф муҳитга таъсир этадиган барча шароитлар ва омиллар ҳисобга олинishi керак. Лойиҳада қилинган тавсиялар қуйидагиларни таъминлаши керак:

- ерларнинг маҳсулдорлигини ва сифатини сақлашни;
- ҳар бир ердан фойдаланишни ўраб турган ҳудудда ер ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишни;
- ҳудудни, атмосферани ва сув манбааларини ишлаб чиқариш ва бошқа объектлар чиқиндилари билан ифлосланишдан ҳимоя қилишни;
- ерларни шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялашни;

- суғориладиган ва мелиорацияланган ерларни химоялашни;
- ерларни шўрланишдан ва ш.ў. химоялашни.

Ердан фойдаланишларни, уларнинг тизимларини лойиҳалашда кейинчалик ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича хўжаликларда ички чегараларни лойиҳалашни таъминловчи тадбирлар белгиланиши ва шароитлар яратилиши керак, шу жумладан:

ердан тўла ва самарали фойдаланишни таъминловчи ердан фойдаланишларнинг оқилона ўлчамлари ва жойлашиши, улардаги ер турларининг нисбати;

хўжаликлар чегараларини тупроқ эрозиясига ва бошқа салбий таъсирларга қарши кураш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш;

суғориладиган ерларни самарали фойдаланишга имкон яратадиган, шўрланиш, эрозия ва бошқа салбий оқибатларга олиб келмайдиган қилиб жойлаштириш;

хўжалик марказлари, чорвачилик фермалари ва саноат корхоналари-ни сув манбаларига, ҳосилдор ерларга ва муҳофаза қилинадиган ҳудудларга нисбатан уларнинг ифлосланишига йўл қўймайдиган қилиб жойлаштириш;

хўжалик ҳудудида оқова сувлар оқизишиб суғориладиган махсус даладарни қишлоқлар ва чорвачилик фермаларидан чиқадиган оқова сувларни тозалаш мақсадида тўғри жойлаштириш;

нафақат қишлоқ хўжалиги корхонаси ҳудудида, балки улар атрофидаги ерларда ҳам экологик мувозанатни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш учун зарур шароитлар яратиш;

ишлаб чиқариш манфаатлари учун экологик мувозанатни бузмасдан ерларни ўзлаштириш ва трансформациялаш;

ҳудудни хўжаликлараро ташкил этишни экологик асослаш.

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этишда ерлар-ни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ўзига хос катта хусусиятларга эга.

Ер тузиш ноқишлоқ хўжалик объектларини жойлаштириш билан шуғулланмайди; шунга қарамасдан ҳар қандай мақсадлар учун бериладиган ер участкаларининг майдони, шакли, жойлашиши, ҳамда бу участкалардаги ердан фойдаланувчиларнинг ва уларнинг бошқа ердан фойдаланувчиларга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари - ер тузишнинг элементиدير. Шундай қилиб, объектнинг якуний жойлашиши ер тузиш натижасида аниқланади. Лойиҳа маъмурий органлар томонидан тасдиқланади ва у фақат малакали ҳамда асосланган тарзда ишлангандагина барча зарур ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини назарда тутиш

имкониятига эга бўлади. Бу масала юқорида баён этилган усуллар билан амалга оширилади, бунда:

ер участкаси, объектнинг тавсифини ва унинг атрофдаги ҳудудга ва табиий муҳитга таъсирини ҳисобга олиб, жойлаштирилади;

ерларни умуман тежаш ва айниқса ер турлари маҳсулдорлигини сақлаш асосий вазифалардан бири сифатида таъминланади;

лойиҳанинг таркибий қисмларининг бири сифатида атроф муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, уларнинг нооқилона фойдаланилишининг, ифлосланишининг, сифати ёмонлашишининг олдини олиш бўйича тадбирларни ўз ичига оладиган ерларни бериш шартлари ишланади.

Хулоса

Малакавий битирув ишининг мақсади Қашқадарё вилояти Касби туманидаги М.Улуғбек массиви Ўникки қишлоғи ҳудудидан касб-ҳунар коллежи қурилиши учун ер ажратишдан иборат бўлди.

Ер ушбу йўналишда ер доимий фойдаланиш учун ажратилади. Битирув малакавий иши хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси услубияти асосида бажарилди.

Касб-ҳунар коллежи учун ер ажратиш икки ечимда ишланди, яъни амалиёт даврида йиғилган материаллар асосида I–ечим бўйича Байдоқчи ва Ўникки қишлоқлари орасида Раҳимова фермер хўжалиги еридан жами 3,6 га , шундан 3,5 га суғориладиган ҳайдалма ер, II – ечим бўйича Ўникки қишлоғи ёнидан Ўйрат келажаги фермер хўжалиги еридан жами 3,6 га, шундан 3,4 га суғориладиган ҳайдалма ер майдони ажратилди.

Бу битирув малакавий иши лойиҳасини бажариш мобайнида шуни билдимки, республикамизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунга асосан таълим тизимини ислоҳ қилиш натижаси сифатида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва уларда ёшларни билимга, касб-ҳунарга ўргатиш ва халқ хўжалигини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ер ажратиш лойиҳаси 2-ечимда лойиҳаланди. Бунда 1–ечимда 3,5 гектар суғориладиган ҳайдалма ернинг тупроқ балл бонитети 61 балл, 2–ечимда 3,4 гектар суғориладиган ҳайдалма ернинг тупроқ балл бонитети 46 балли ердан коллеж қурилиши учун ер ажратилди.

Лойиҳадан биз 2- ечимни яхши ечим деб танладик. Чунки иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш жараёнида 2- ечимда 1- ечимга нисбатан ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарарлар ва келтирилган харажатлар миқдори кам сарфланар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” Т.: Ўзбекистон, 1992
2. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995
3. И.А.Каримов, “Ўзбекистон ХХІ бўсағасида”, Т. Ўзбекистон 1997
4. И.А.Каримов, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т. Ўзбекистон, 1998
5. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т. Ўзбекистон, 2009
6. И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2011
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2012.
8. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг қарори 25.05.2011й. N 146. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чоратadbirlari тўғрисида. Т.: Ўзбекистон, 2011.
8. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т.: Ўзбекистон, 1998
9. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т.: Шарқ, 1998
10. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида». Т:1998
11. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш» Т.: Янги аср авлоди,2004
12. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Т.: Янги аср авлоди, 2002
13. Аvezбаев С., Волков С.Н. « Ер тузишнинг илмий асослари» Т Янги аср авлоди, 2002
14. Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р, Ғофиров А.Ж. «Ер кадастри» Т.: ТИМИ, 2008.
15. Ер муносабатларини тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар туплами, 1-2 том, Т.:1997
16. Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ўқув қўлланма. Т: 2007

17. Қудратов О., Ғаниев Т. Фавқулудда вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.:Янги аср авлоди, 2005
18. Рустамбоев М.ва бошқ. “Ер ҳуқуқи”.Дарслик. Т.: Тошкент Юридик институти, 2002
19. Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.:Меҳнат, 2000
20. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002
21. Управления земельных ресурсов и землеустройства. www.18.rosfirm.ru
22. Управление мониторинга земель, землеустройства и территориального планирования. www.kadastr.ru
23. Управление использованием земель сельскохозяйственного назначения в условиях. www.baseref.ru
24. www.Ziyonet.uz